

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ИШ ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Исмайлова Раъно Нураевна

психология фанлари номзоди, Низомий номидаги Тошкент давлат
университети “Амалий психология” кафедраси доцент в.б.

ranohon2013@gmail.com

***Аннотация:** Ушбу мақолада жамиятимизда содир бўлаётган оилавий зўравонлик ҳолатлари ва унга қарши кураш учун амалга оширилаётган ишлар таҳлили баён қилинади. Шунингдек, оилада зўравонлик ҳолатларини олдини олишда психолог масалаҳати ва шунингдек зўравонлик қурбонларининг ўз вақтида психологга мурожаат этишлари муҳимлиги таъкидланади.*

Долзарблиги. Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, аёлларга нисбатан оиладаги зўравонлик ижтимоий муаммо сифатида қаралди ва жамият томонидан салбий баҳоланди. Америка ва Европада бу йигирманчи асрнинг 70-йилларида, эркак ва аёлнинг никоҳда ва ишда тенг ҳуқуқлари ғояси кенг қабул қилинганда юз берди. Буларнинг барчаси нодавлат хотин-қизлар ташкилотлари, гендер тадқиқотлари бўйича мутахассислар ва ижтимоий ишчилар туфайли содир бўлди. 1975 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Мехико шаҳрида аёллар бўйича биринчи жаҳон конференциясини ўтказди. Ушбу конференцияда қилинган чақириқлар натижасида 1976 йилда БМТ Бош ассамблеяси БМТ Хотин-қизларни ривожлантириш жамғармасини ташкил этишга қарор қилди.¹

Жаҳон миқёсидаги статистика ва умумий тенденцияларга назар ташласангиз, оилавий зўравонликдан асосан аёллар жабр кўраётгани маълум бўлади. Лекин бу мутлақ характерга эга эмас, яъни оилада эркак кишининг ҳам аёли ёки ота-онанинг фарзандлар ёхуд бошқа оила аъзолари томонидан руҳий босим остида яшаб келиши кузатилади. Бу ҳам оилавий зўравонликнинг бир кўриниши саналади. Чунки, мазкур ҳолатда шахснинг бирламчи ҳуқуқлари бузилади, натижада жабрланган шахс жиддий психосоматик касалликлар орттириши ёки бошқа аянчли ҳолатлари рўй бериши мумкин. Оилавий зўравонликнинг энг оғир оқибатларидан яна бири фарзандлар руҳий ҳолати ва ахлоқига етказиладиган жиддий зарардир. Бизнинг менталитетда оила олий

¹Чуткова, И. Жизнь без насилия это наше право: региональная информационно-просветительская кампания в Республике Беларусь / И.Чуткова. Кампания ЮНИФЕМ в защиту прав женщин на жизнь без [Электронный ресурс]. – 2002. - Режим доступа: <http://www.nasilie.net>. – Манбага кириш: 2021.01.2021.

қадрият саналади. Фарзандлар катталарга ҳурмат, анъаналарга содиқлик руҳида тарбияланади. Бироқ бугунги кунда оилада аёлларнинг ҳуқуқи ва шахс эркинлиги масалалари эътибордан четда қолаётганлиғни кузатиш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:

Бошқа анъанавий жамиятларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам оиладаги зўравонлик гендер тенгсизлиги ва аёлларнинг роли ҳақидаги стереотипларга асосланган. Оилада зўравонликка учраган хотин- қизлар кўпинча ички ишлар органларига зўравонлик қурбонлари сифатида мурожаат қилишади ва оиладаги зиддиятли вазиятлар, шунингдек уларга нисбатан зўравонлик ҳолатларида психолог маслаҳатига мурожаат этишмайди. Ўзида бутун салбий ҳиссий тажрибаларни юқини кўтарган ва соғлиғи ёмонлашгани сабабли, аёл ўз фаолиятининг турли соҳаларида ўзини тўлиқ англай олмайди, хоҳ у болаларни тарбиялаш, хоҳ касбий фаолият ёки бошқа нарсалар учун, чунки у зўравонлик оқибатларини баргараф этиш учун катта куч сарфлайди.¹

Оиладаги зўравонликни ўрганишнинг зарурий шарти XX асрнинг 80-90-йиллардаги тадқиқотларда оила ва никоҳ муносабатларидаги низолар, оиланинг бузилишининг сабаблари ва мотивлари сифатида ўз аксини топа бошлади. Д.М.Четот ва Д.А. Шестаков алкоголизмга ружу қуйган оилалари ўрганилиб, аксарият аёлларга ва болаларга зўравонлик содир этилиши ҳолатлари ва бу ҳолатни болаларнинг ижтимоийлашувига салбий таъсири таъкидланган²

Ўзбекистонда 2021 йил «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Халқаро оила куни арафасида никоҳ ва оилавий муносабатларнинг энг долзарб масалалари, мавжуд оилавий муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топишга қаратилган социологик тадқиқот натижаларини қуйидагича: аёлларининг аксарияти эр томонидан хотинга нисбатан жисмоний куч ишлатилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Бироқ ўзбекистонликларнинг жамоатчилик фикрида хавотирли тенденция ҳам кузатилади: 10,3 фоиз респондентлар айрим ҳолларда куч ишлатиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра, аёл ўз хатти-ҳаракати билан эрини куч ишлатишга мажбур қилган ҳолларда жисмоний зўравонлик ҳолатига йўл қўйиш мумкин.

Методология:

Тадқиқот натижалари бир-бирини тўлдирувчи сифат ва миқдорий усуллар ёрдамида амалга оширилди.

¹Василюк, Ф.Е. Психология переживания / Ф.Е. Василюк. – Москва: Издательство МГУ, 1984. — 200 с.

² Четот Д.М., Шестаков Д.Л. Социальное зло - алкоголизм. Семья и право. Л.: Издательство Санкт-Петербургского университета. 1988, 216 стр

Тадқиқотга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида яшовчи 600 нафар 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролар сўровга жалб қилинди. Шунингдек, тадқиқот давомида экспертларнинг муаммога муносабатларини ўрганиш мақсадида 35 нафар экспертлардан чуқурлаштирилган интервью олинди.

Давлат органларининг турли баҳоларига кўра Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг 73 фоизи оилада содир этилган. Айтиш жоизки, анъанавий ва замонавий жамиятларда зўравонлик турли йўллар билан намоён бўлади. Анъанавий жамиятларда зўравонлик манбалари кўпроқ гендер тенгсизлиги ва аёллар ва қизларнинг роллари тўғрисидаги стереотипларга асосланган.

Сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, респондентларнинг деярли ярми (47,1%) жамиятимизда оилавий зўравонлик ҳолатлари мавжуд деб ҳисоблайдилар. Шу ўринда қайд этиш лозимки, тадқиқотда иштирок этганларнинг ярмидан кўпроғи (53,2%) оилавий зўравонликка кўпроқ аёллар дучор бўладилар деб ҳисоблайдилар. Тадқиқотда иштирок этганларнинг катта қисми (47,9%) оилавий зўравонлик ҳолатларида жисмоний зўравонлик кўпроқ учрашини, 21,7% – психологик, 11,8% – иқтисодий, 4,2% – жинсий ва 14,4% респондентлар “бошқа” кўринишдаги зўравонликларни кўрсатиб, қўл теккизиш ҳолатларига оилаларда гувоҳ бўлмаганликларини маълум қилганлар.

Сўровда иштирок этганларнинг аксарияти (76%) оилада тазйиқ кўпинча эркаклар томонидан содир этилади, 13,3% – “аёллар” ва 10,6% респондентлар «бошқалар» (қайнона томонидан келинига нисбатан) деган жавобни белгилаганлар. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик уларга таниш бўлганлар томонидан амалга оширилиши аниқланди, булар- турмуш ўртоғи, ота-оналар, ака-укалар, бобо-бувилар ва қариндошлар.

Сўров натижаларидан маълум бўлмоқдаки, зўравонликларнинг асосий сабаблари алкоголизм (43,7%) ва маданият даражасининг пастлиги (30,4%)дир. 14% респондентларнинг фикрларига кўра, моддий ва турар жой муаммолари бўлса, яна 3 фоизи “шахсий адоват” ва 8,7% “бошқа” (масалан, ёмон тарбиянинг мавжудлиги) сабабларни кўрсатиб ўтганлар.

“Оилада зўравонликка учраганда кимга ёки қайси ташкилотга муроажжат этгансиз?” деган саволга жавоблар таҳлили куйидаги ҳолати кўрсатмоқда, респондентларнинг 40,7 фоизи ҳеч қерга мурожаат қилмаганликларини маълум қилганлар. Зўравонлик ҳолатларида респондентлар кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва прокуратурага мурожаат қилишларини билдирганлар (24%). 19 фоиз респондентлар бу ҳолатда яқин қариндошларига, 10,3 фоизи эса, инсон

ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи ташкилотларга мурожаат қилишларини маълум қилганлар.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, оилавий зўравонлик қурбонларига ҳозирча ҳақиқий ёрдамни яқин қариндошлари кўрсатмоқда (41,1%) деб хулоса қилишимиз мумкин. Чунки зўравонлик қурбонлари аксарият ҳолатда фақат ўз яқинларига мурожаат эътишади. Шу билан бирга, бугунги кунда оилавий зўравонликдан жабрланган хотин-қизларда кўпроқ “бепул психолог маслаҳати” (32,7%) хизматларига эҳтиёж катта эканлиги маълум бўлмоқда.

Шунингдек, тадқиқотда чуқурлаштирилган суҳбат усули қўлланилди. Сўровда Тошкент шаҳар Реабилитация ва мослашиш марказига жойлаштирилган оилавий зўравонлик қурбонлари ва психологлар, ҳуқуқшунослар, иштирок этишди. Суҳбат 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда 16 та савол оиладаги зўравонлик, унинг сабаблари ва омиллари, юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари ҳақида умумий хабардорлик даражасини очиқ беради. Иккинчи қисм 6 та саволдан иборат бўлиб, улар бевосита зўравонлик қурбонлари билан ишлаш усуллари, мутахассисларнинг ўз фаолиятида дуч келадиган муаммоларига бағишланган. Сўровномада жами 36 та мутахассислар иштирок этдилар.

Зўравонлик қурбонлари ва зўравонлик қилган шахслар билан ишлашда маълум бир услуб ва услублар мавжудми деган саволга жабрланганлар билан ишлашда психологлар куйидаги усуллардан фойдаланишларини билдирдилар:

- ҳиссий зўриқиш, тангликни, стрессни, ўз жонига қасд қилиш фикрларини бартараф этишга, ички ресурсларни излашга қаратилган психологик суҳбатлар.
- Психотерапевтик суҳбатлар
- Проектив усуллар (Метафорик ассоциатив хариталар, турли чизиш техникаси, эртак терапияси, неврография)
- Когнитив хулқ-атвор терапияси усуллари, хусусан, ўз ресурсларини излаш, шунингдек, жабрланувчининг психологиясини ўзгартиришга қаратилган ишлар
- Спорт залига ташриф буюриш.
- Мутахассислардан бири баъзан масжид ва руҳонийларга боришни тавсия қилишини таъкидлади.
- Ўз-ўзини ҳурмат қилишни яхшилаш усуллари

Аксарият экспертларнинг таъкидлашича, зўравонлик содир этган одамлар билан деярли ҳеч қандай иш йўқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги суҳбатлар бундан мустасно. Баъзан, агар улар жабрланувчи билан ярашмоқчи бўлса, зўравонлар психологларга мурожаат қилишади, лекин жуда кам.

Шунингдек, зўравонлик содир этган шахслар билан ишлашни ушбу соҳада махсус тайёрланган мутахассислар олиб бориши зарурлиги таъкидланди. Бундай мутахассислар деярли йўқ. Баъзи ННТлар чет элдан тренерларни чақириш орқали бундай тренинглар ўтказадилар, аммо бу, афсуски, жуда кам.

“Аёл ва замон” маркази раҳбари “Нокс модели” (зўравон билан ишлаш бўйича Россиядан тренерлар чақиришган) бўйича мутахассислар тайёрлаганини таъкидлади.

Деярли барча ташкилотлар тажовузкор билан ишлаш учун махсус тайёргарлик зарурлигини таъкидлашади.

Жабрланувчи оилага қайтарилганда оиладаги зўравонликнинг такрорланиш хавфини баҳолаш учун қандай усуллардан фойдаланасиз, деган саволга кўпчилик мутахассислар бундай усуллардан фойдаланмайдилар, деб жавоб беришган. Асосан, агар вазият такрорлана бошласа, жабрланувчиларга ўзини қандай тутишни ўргатади: ёрдам сўраб кимга мурожаат қилиш, вазиятнинг олдини олишга ёрдам берадиган яқинлар орасида қандай ёрдам топиш, қандай қилиб ҳимоя буйруғини олиш. Шунингдек, сўров иштирокчилари уйга қайтганларнинг 100 фоизидан жабрланганларнинг 50 фоиздан ортиғи инқироз марказларига қайта мурожаат қилишини таъкидладилар.

Оилавий зўравонлик қурбонларини реабилитация қилиш бўйича қайси соҳаларда ишлар олиб борилмоқда, деган саволга қуйидаги жавоблар олинди.

- Руҳий мувозанатни тиклаш, ўзини ўзи қадрлаш даражасини ошириш, жабрланувчининг психологиясини ўзгартириш.
- Вазият такрорланганда ўзини қандай тутишни ўрганиш
- Касбий кўникмаларга ўргатиш (касб олиш, молиявий мустақилликка эришиш учун).
- ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш учун юридик маслаҳат.

Деярли барча ташкилотлар жабрланувчининг инқироз марказидан чиқиб кетганидан кейин уни ижтимоий қўллаб-қувватлаш этишмаслигини таъкидлади. Кўпгина қурбонларнинг ўзлари вазиятни кузатиш учун алоқага боришни истамайдилар.

Шунингдек, ижтимоий соҳа ходимлари етарли эмаслиги қайд этилди. Сўров фақат битта ташкилот бундай позицияга эга эканлигини тасдиқлади. Қолганларида фақат психолог ва адвокатлар бор.

Зўравонлик содир этган шахслар билан қандай ишлар олиб борилмоқда, бу ишлар қайси соҳаларда олиб борилмоқда, деган саволга фақат битта ташкилот (Аёл ва замон), “Ойдин” нодавлат нотижорат ташкилоти бу борада мутахассислар тайёрлаганлигини таъкидлади. Нур” мазкур йўналишда

мутахассислар тайёрлаш дастурини тайёрламоқда. Сўровнинг қолган иштирокчилари, зўрловчи билан алоқада бўлган камдан-кам ҳолатлар бундан мустасно, бундай иш амалга оширилмайди, деб жавоб беришди. Кўпгина сўров иштирокчилари бундай одамлар билан психологик иш олиб борилиши керак, ва рад этилган тақдирда, улар нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан суҳбатлашишга эмас, балки психолог билан ишлаши мажбур бўлиши кераклигини таъкидлашди.

Зўравонлик содир этган шахслар билан ишлашда қандай усуллардан фойдаланилади, агар бундай иш олиб борилмаётган бўлса, нега деб сўралганда психологлар зўравон шахс билан ҳеч қандай иш олиб борилмаётганлигини сабабли, улар ҳеч қандай махсус усулларни мисол қилиб келтира олмадилар.

“Аёл ва замон” маркази раҳбари Россиядан тренерлар чақириб, “Нокс модели” (босқинчи билан психологик иш) мутахассисларини тайёрлаганини таъкидлади.

Тадқиқот доирасида шунингдек зўравонлик қурбонлари билан психологик иш олиб бориш жараёнини ўрганиш орқали қуйидагилар аниқланди:

1. психологлар ўз фаолиятларида асосан суҳбат, интервью, кузатиш, таҳлил ва ҳаётий тажриба усуллари билан фойдаланадилар.

2. Оилавий зўравонлик ҳолатини ҳал қилишда маҳаллий мутахассислар: мактаб психологлари ихтиёрий равишда жалб қилиб келинмоқда. .

3. ННТ психологлари билан ташқари мактаб психологлари зўравонлик қурбонлари билан ишлаш бўйича тизимли тренинглардан ўтмайдилар, бу эса уларнинг зўравонлик қурбонлари билан тизимли ва профессионал ёрдам кўрсатиш имкониятларини чеклаб қуюди.

4. Оилавий зўравонлик қурбонлари билан ишлашнинг аниқ босқичма-босқич механизми ва методикаси, стандартлари мавжуд эмас.

5. Марказларнинг туман ходимлари ўз фаолиятларида инсон ҳуқуқлари устуворлигига тамойилидан кўра, уни бузадиган урф-одатлар ва меъёрларга асосан фаолият юритмоқдалар. Масалан, жинсий зўравонликка дучор бўлганларга биринчи навбатда психологик ёрдам беришга эмас, уни турмушга узатиш орқали жамиятда номини оқлаб олишга ҳаракат қилишмоқда.

6. Оилада зўравонликни олдини олиш ва зўравонлик кўрсатган шахслар билан ишлаш бўйича ННТ психологлари ўз ҳолида ва давлат муассасалари психологлари ўз ҳолида иш олиб бормоқдалар.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, қуйидаги хулоса ва тавсияларни илгари сурилмоқда:

1. Зўравонлик қурбонларига психологик ёрдам ва хизмат кўрсатиш бўйича стандартларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2. Зўравонлик қурбонларига психологик ёрдам ва хизмат кўрсатиш ва оилада зўравонликга учраган ва зўравонлик кўрсатган шахслар билан ишлаш учун психологлар, махсус курслардан ўтишлари мақсадга мувофиқдир.

4. Зўравонлик қурбонига айланган фуқаролар билан комплекс ишлаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, жамиятда профилактика ишлари самарадорлигини ошириш учун психологлар учун тизимли равишда ўқув семинарлари ва тренинглар ўтказиб бориш лозим.

5. Аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликни эрта аниқлаш, оилалар ва жамиятда доимий мониторинг олиб бориш орқали зўравонлик қайта содир бўлишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

6. Оммавий ахборот воситалари орқали оиладаги зўравонликнинг олдини олиш психолог маслаҳатига мурожаат этишнинг аҳамиятига қаратилган тадбирларни кучайтириш талаб этилади.

7. Аҳолига ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Алиева К. Жамият «ҳазм қилаётган» оилавий зўравонлик. <https://www.uzanalytics.com/> 19 август 2021. Манбага мурожаат:20.09.2022

2. Василюк, Ф.Е. Психология переживания / Ф.Е. Василюк. – Москва: Издательство МГУ, 1984. — 200 с.

3. Четот Д.М., Шестаков Д.Л. Социальное зло - алкоголизм. Семья и право. Л.: Издательство Санкт-Петербургского университета. 1988.

4. Чуткова, И. Жизнь без насилия это наше право: региональная информационно-просветительская кампания в Республике Беларусь / И.Чуткова. Кампания ЮНИФЕМ в защиту прав женщин на жизнь без [Электронный ресурс]. – 2002. - Режим доступа: <http://www.nasilie.net>. – Манбага кириш: 2021.01.2021.